TOSHKENT SHAHAR CHILONZOR TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2021 - yil 7 - oktabr 91-14-204-Q/21 Chilonzor tuman hokimligi

Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2022 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссия тузиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ҳамда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2022 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссия таркиби иловага асосан тасдиқлансин

2. Махсус комиссия:

иш ўринларини банд қилишда ташкилотдаги ишларнинг касб бўйича таркиби ва ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинсин ҳамда иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этган ташкилотлар учун белгилансин.

3.Чилонзор тумани ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2021 йилга мулжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссия тузиш ҳақида”ги 565-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Мавлянов**